

МАРКАЗИЙ БАНК: АСОСИЙ МАҚСАД ИНФЛЯЦИЯНИ 5 ФОИЗГА ТУШИРИШ

Жорий йилнинг 10 сентябрь куни Марказий банк Бошқаруви асосий ставкани 1 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражасида белгилади. Мазкур қарор юзасидан айнан шу куни Марказий банкда ОАВ вакиллари ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов йиғилганларга ставканинг пасайиши бўйича изоҳ бериб, журналистларнинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтарди.



Унинг қайд этишича, Марказий банк Бошқарувининг бундай қарорни қабул қилишда, энг аввало, келгуси йил мақсад ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб ёндашилди. Пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинган ушбу қарор иқтисодиётда тўлиқ ўз аксини топиши учун маълум бир муддат талаб этилади.

2020 йилнинг 8 ойида инфляция динамикаси электр энергия ва табиий газ тарифларини ошириш муддатларининг кечиктирилиши, карантин чекловлари ҳисобига аҳоли даромадлари ва бандлик даражасининг пасайиши натижасида ички талабнинг қисқариши, шунингдек, валюта курсининг апрель ойидаги девальвациясидан сўнг кейинги ойлarda барқарорлашуви ҳисобига девальвация босимининг қисқариши шароитида шаклланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ребрендинг доирасида Валюта биржаси фаолиятининг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, биржанинг янги логотипи ишлаб чиқилди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИ РЕБРЕНДИНГ ЎТКАЗДИ

Янги логотип Валюта биржасининг танилиши, шунингдек, эмитентлар, инвесторлар ва молия бозорининг профессионал иштирокчилари орасида оммалашининг янги даражасига чиқиш имконини беради.



Яқин келажақда Валюта биржасининг корпоратив кўриниш компонентлари, шу жумладан, офис дизайни, веб-сайти, савдо майдончалари интерфейси ва ўз атрибутлари ишлаб чиқилади.

Cbu.uz



ИҚТИСОДИЁТНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 29.08.2020 йилдаги "2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 526-сон қарори қабул қилинди.

Дастур коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф этишга, ҳужалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий ва ташқи иқтисодий фаоллигини тиклашга, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш



вазирлиги, Марказий банк ва бошқа идораларга қуйидаги вазифалар топширилди:

2020 йилда иқтисодиёт асосий секторларининг ривожланишини сақлашга ва 2021 йилдан бошлаб барқарор иқтисодий ўсишни 5-5,5% даражасида таъминлашга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва бозор институтларини ислоҳ қилишни давом эттириш; банкларни трансформация қилиш ва банк хизматларидан фойдаланиш сама-

радорлигини ҳамда уларнинг сифатини оширишни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган банк тизимини янада ислоҳ қилиш;

бандликни таъминлаш ва даромадларини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта амалга ошираётган шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни кенгайтириш орқали ички талабни рағбатлантириш ва камбағалликни қисқартириш;

(Давоми 6-саҳифада)

Ривожланган давлатларнинг ташқи қарзи ЯИМдан юқори бўлса-да, фуқаролари фаровон турмуш кечиряпти.

ТАШҚИ ҚАРЗ МАСАЛАСИДА ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Афсуски, асл моҳиятни англамай туриб, бугунги воқеа-ҳодисаларга юзаки ва асосиз ёндашувлар билан ижтимоий тармоқлар ва интернет оламида фақат муштарилари сонини ошириш мақсадидаги турли-туман нашрлар кўпайиб бормоқда. Бунга биргини мисол сифатида Ўзбекистоннинг кейинги йилларда жалб қилаётган инвестициялари ва бунинг натижасида ташқи қарз ортиб кетаётгани ҳақидаги хабарларни келтириш мумкин.

Сўнгги кунларда Ўзбекистон давлат қарзи, хусусан, ташқи қарз ва унинг таркиби бўйича маълумотлар эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда турли танқидий руҳдаги фикрлар авж ола бошлади.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз қолдиги дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 19,4 млрд. доллар эквивалентини ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 34,0 фоизни ташкил этади. Шундан: 17,31 млрд. АҚШ доллари ташқи қарз, 2,1 млрд. АҚШ доллари эса, давлат ички қарзидир. Ўзбекистон ташқи қарзининг асосий қисми минтақавий ва жаҳон тараққиёт банкларидан жалб қилинган.

(Давоми 6-саҳифада)



МАРКАЗИЙ БАНК: АСОСИЙ МАҚСАД ИНФЛЯЦИЯНИ 5 ФОИЗГА ТУШИРИШ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Инфляция даражаси жорий йилнинг январь-август ойлари давомида 2019 йил якунидаги йиллик 15,2 фоиздан 11,6 фоизгача секинлашди ва инфляциянинг мақсадли траекториясидан паст бўлди.

Бунга, асосан, тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолганлиги, мева-сабзавотлар нархларининг мавсумий пайсийи ҳамда иқтисодий кредит қўйилmalarининг ўтган йилга нисбатан секинроқ суръатда ўсганлиги, карантин чекловларининг ички талабга ҳамда аҳоли даромадлари ва бандлик даражасига пайсайтирувчи таъсири, валюта курсининг апрель ойидаги девальвациясидан сўнг, кейинги ойлarda барқарорлашуви таъсир этди.

Йиллик инфляция таркибида нооziк-овқат маҳсулотлари (8 фоиз) ва хизматлар (7,5 фоиз) нархлари умумий инфляцияга пайсайтирувчи таъсир кўрсатган бўлса, оziк-овқат маҳсулотлари нархлари (16,8 фоиз) нисбатан юқори суръатларда ўсди. Бу пандемия шароитида ушбу гуруҳ товарларига бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади.

Июль-август ойларида базавий инфляция даражаси ҳам умумий инфляция каби пасаяувчи тенденциясига эга бўлди ва 8 ойлик якунлари бўйича йиллик 12,2 фоизни ташкил этди.

Йил якуни бўйича эса инфляция прогнози 11-12,5 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақланиб қолинди ва бунда инфляциянинг прогнози коридорининг куйи чегарасига яқин даражада шаклланиш эҳтимоли ортмоқда. Шунингдек, иқтисодийда инфляция қутулмалар барқарор пайсийи ва макроиқтисодий барқарорлиқнинг сақлаб қолиниши шароитида инфляция прогнози янада пайсайтириш томонга кўриб чиқилиши мумкин.

Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда 2023 йилга қадар инфляциянинг 5 фоизлик доимий мақсадли кўрсаткичига эришиш учун барча зарурий чораларни кўриб боради, дейди Марказий банк раиси ўз маърузасида.

Шунингдек, тадбир давомида М.Нурмуратов журналистларнинг бир қатор саволларига жавоб берди.

Хусусан, келгусида пандемиянинг қайта кучайиши банкларнинг фаолиятига таъсири ҳамда кредит таътиллари бўйича берилган саволга Марказий банк раиси қуйидагича жавоб берди:

– Пандемия шароитлари, хусусан, иқтисодийнинг реал секторидоги фаоллик пасайиши билан банкларнинг миқозлари молиявий ҳолатига ва бу орқали албатта, банк тизими ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бутун дунёда кузатилаётгани каби бизда ҳам банк активлари сифатида ўзгаришлар юз берди. Хусусан, банк тизимида муаммоли кредитларнинг улуши йил бошига нисбатан 0,9 фоиз бандга ошиб, 2,4 фоизга этди. Бунда муаммоли кредитларнинг 77 фоизини корпоратив миқозларга, 23 фоизини эса жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этди.

Тўловлари кечиктирилган ва муддати узайтирилган кредитлар жами кредит портфелининг 42 фоизини ташкил этмоқда.

Марказий банк томонидан коронавирус пандемиясининг банклар кредит портфели сифатида бўлган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда ликвидлик хатарини вужудга келтирадиган ҳолатларга бардошлигини баҳолаш мақсадида доимий равишда стресс-тестлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ўтказилган стресс-тест натижалари пул тушуми кескин камайган 10 523 та корхоналар жалб қилган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ сўндирмаслиги натижасида муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши йил якунига қадар 2 баробарга ортиб, 7,6 фоизга етиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этганимиздек, бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини тиклаш ва шу орқали келгусида муаммоли кредитлар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида миқозбай ўрганиб чиқиш ва муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар кўрилиб келинмоқда.

Бунда ҳар бир миқознинг фаолият тури, уларнинг бозори ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, улар билан алоҳида индивидуал ишлаш ташкил этилиб, амалий ёрдам бериш чоралари кўрилмоқда.

Шу ўринда сўнги пайтларда кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалалардан бири – бу кредитлар бўйича муддати узайтирилган тўловларни 1 октябрдан кейин ҳам яна бир бор кечиктириш масаласидир.

Бу борада таъкидлаш зарурки, Марказий банк томонидан 2019 йилда Жаҳон банки экспертлари кўмагида қарздорларда молиявий қийинчиликлар вужудга келганда, кредит бўйича тўловлар муддатларини узайтиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Мазкур тартибга асосан кредит бўйича тўлов муддатларини узайтириш масаласи банклар томонидан мустақил равишда қарздорнинг пул оқимларидан келиб чиққан ҳолда миқозбай кўриб чиқилиши мумкин.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон илм-фани бугунги кунда ўзгариб бораётган бозор талабларига жавоб берадиган, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион иқтисодийнинг технологик базасини яратиш борасида улкан имкониятларни намоён этмоқда. Албатта, бу йўналишдаги вазибаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда салоҳиятли кадрларни тайёрлаш муҳим омил ҳисобланади.

“БАНК ВА МОЛИЯ” ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Шундан келиб чиқиб, Тошкент давлат иқтисодий университети ҳамда “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорликда университетнинг Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети қошида “Банк ва молия” инновацион илмий-амалий тадқиқот маркази фойдаланишга топширилди. Эндиликда талабалар “Туронбанк” АТБ ва унинг филиаллари билан тўғридан-тўғри улашиб, назарий билимларини амалий кўникмалар билан бойитиш имкониятига эга бўлдилар. Натижада ишлаб чиқариш ва унинг талабларидан хабардор бўлган мутахассисларни тайёрлаш самараси таъминланади.

Марказнинг очилиш тадбирида сўзга чиққанлар томонидан илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси механизминини мустаҳкамлашга қаратилган илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциянинг кучайиши мустақил фикрга эга мутахассисларни тайёрлаш нисбатан инновацион ёндашувларни кўриб чиқиш ва жорий этиш борасидаги яна бир қадам эканлиги қайд этилди.



Мазкур марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши университет профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва талабалари томонидан ишлаб чиқилаётган инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, янги тадқиқот йўналишларини яратиш ва мавжудларини ривожлантириш учун қулай шароит яратади. Очилиш тадбири давомида талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳалар тақдимот қилиниб, банк мутахассислари томонидан ушбу лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри мулоқот давомида талабаларга банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар, амалиёт жараёнлари ва унда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари намойиш этилди.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг хорижий маслаҳатчиси ва эксперти, ҳозирги кунда Британиянинг Халт халқаро бизнес мактаби (Hult International Business School)да фаолият кўрсатаётган Хамид Иргашев иштирок этиб, онлайн видеоалоқа тартибида “Илмий-тадқиқот марказлари ва ўқув лабораторияларининг таълим жараёнида қўлланиши: аҳамият ва хорижий тажриба” мавзусидаги маърузасини тақдим этди. Шунингдек, университетнинг хорижий давлатларда PhD ва DSc илмий даражаларини олган профессор-ўқитувчилари инновацион илмий-амалий ўқув лабораторияларининг илмий тадқиқотларни олиб боришдаги аҳамияти ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар.

Банк Ахборот хизмати

УЙ-ЖОЙ ОЛИШ УЧУН КЕНГ ИМТИЁЗУ ИМКОНИАТ

Кейинги йилларда кам таъминланган, қийин шароитда яшаётган оилалар, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар кўриляпти. Айниқса, уй-жойга муҳтож бўлган оилаларга алоҳида кўмак бериб келинаётгани халқимизни қувончига сабаб бўлаётган. Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони ҳам бу борадаги ишларни янада жонлантириб, минглаб юртдошларимизни ўз уйларига эга бўлишига замин яратди.

Мазкур фармонга биноан жорий йилдан бошлаб, тижорат ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилди. Бунда айрим шахсларга, шу жумладан, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўлаши белгиланди. Бу эса аҳолига бирламчи бозордан исталган жойдан ўзи хоҳлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олиш имкониятини яратди.

Дастур доирасида ипотека кредитлари аҳолига 20 йил муддатга тижорат фоиз ставкаларида (бугунги кунда 18-19%дан) аннуитет тўлов шартли билан ажрати-

ётганлиги юзасидан эътирозлар билдирилмоқда.

Келинг, шу ўринда ҳозирда банк томонидан фуқароларга таклиф этилаётган ипотека кредитлари бўйича ойлик кредит тўловларини бирма-бир ҳисоб-китоб қилиб ўтамыз.

Мазкур кредитлар аҳолига 20 йил муддатга 1 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йилда 7% дан Ўзбекистон республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси-гача ошириб борадиган ставкада ва кейинги даврда Ўзбекистон республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бошланғич бадал 14% этиб белгиланган.

Уй-жой баҳоси 260 млн. сўм бўлганда, бошланғич бадал 39 млн. сўм, Ипотека кредити 221 млн. сўм бўлади.

Фуқаро томонидан сотиб олинган режалаштирилган уй-жой бўйича Давлат дастури доирасида, субсидия тўлаш орқали ва тижорат шартлидаги ипотека кредитларни таққосланган ҳолда кўришимиз мумкин.

	Давлат дастури доирасида (муддати 20 йил)	Қарз олувчиغا Субсидия ажратиш дастури доирасида (муддати 20 йил)	Тижорат шартлидаги ипотека кредити (муддати 20 йил)
Уй-жой баҳоси	260 млн. сўм		
Бошланғич бадал	39 млн. сўм (15%)	52 млн. сўм (20%)	52 млн. сўм
Давлат томонидан қопланадиган қисми	-	26 млн. сўм (10%)	
Фуқаро томонидан шакллантириладиган қисми	39 млн. сўм (15%)	26 млн. сўм (10%)	52 млн. сўм (20%)
Ипотека кредит суммаси	221 млн. сўм	208 млн. сўм	208 млн. сўм
Ойлик кредит тўлови	1 816.4 минг. сўм	3 210 минг. сўм	3 210 минг. сўм
Давлат томонидан қопланадиган қисми	-	1 386.7 минг. сўм	
Фуқаро томонидан тўланадиган қисми	1 816.4 минг. сўм	1 823.4 минг. сўм	3 210 минг. сўм
Ипотека кредити 160 млн. сўм бўлганда ойлик тўлов:	1 315 минг. сўм	1 402.6 минг. сўм	2 469,3 минг. сўм

Юқорида жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, фуқарога тижорат шартлида 160 млн. сўм ипотека кредити ажратилганда ҳам ойлик тўлов 2 469,3 минг. сўмдан ошмайди.

Агар уй олмоқчи бўлган фуқаро хорижда вақтинчалик ишлаётган бўлса давлат томонидан меҳнат мигрантларига жорий қилинган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда субсидия тўловлари асосида ипотека кредити олиш мумкин. Бунда фуқаро уй-жой қийматини 10% қисми 26 млн. сўм, ойлик кредит тўловларни 10%дан ортадан қисми оёйга 1.4 млн. сўм (5 йил давомида) тўлаб берилади. Ўйлайманки, бундай қўлай имтиёзу имконият барчага маъқул тушади.

“Ипотека-банк” АТИБ
Ахборот хизмати

Пандемия шароитида пластик карта билан бажариладиган амалиётлар ортиб бориши билан пластик карталардан маблағларни ўзлаштириш (ўғирлаш) билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари ҳам ортмоқда. Айниқса, интернет тармоғи, хусусан, ижтимоий тармоқларда янгидан янги фирибгарлик турлари пайдо бўлмоқда.

Хусусан, сўнги пайтларда телеграм мессенжердаги турли каналларда “гуруҳга шунча одам қўшсангиз, ҳисобингизга бунча маблағ ўтказиб берамиз” мазмундаги эълонлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг шартларини бажарганингиздан сўнг фирибгарлар ўзини банк ходими ёки турли акциялар ташкилотчиси сифатида таништириб, картага маълум миқдорда пул ўтказиб беришини, бунинг учун эса карта рақамини ва карта эгасининг мобил телефонига келган “тасдиқловчи код”ни сўрашади.

Ушбу коди уларга зинҳор ошкор қилмаслик керак ҳамда бундай шахслар ҳақида ички ишлар органларига хабар бериш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, халқаро тўлов карталарида икки турдаги хавфсизлик коди мавжуд бўлиб, терминал ва банкоматлар учун 4 хонали пинкод ҳамда интернет орқали тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган CVV (CVC) кодлардан иборат. Банк картасининг 4 хонали пин-коди карта-

ни мижозга тақдим этиш жараёнида махсус конвертда яширилган бўлади. Интернет орқали тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган CVV (CVC) код эса банк картасининг орқа қисмига ёзилган бўлади. Интернет орқали тўловларни амалга ошириш учун электрон тижорат ташкилотининг интернет веб-сайтида банк картасининг олд томонидаги реквизитлар ва орқа томонидаги CVV (CVC) кодларини киритиш кифоя қилади ва дунёнинг исталган жойидан интернет орқали тўловни амалга ошириш мумкин.



ПЛАСТИК КАРТАДАГИ ПУЛЛАРНИ ФИРИБГАРЛАРДАН ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

Муҳим эслатмалар!

- Агар сизга кимдир пул ўтказишни хоҳласа унга пластик картангизни рақамини бериш етарли. Бошқа маълумотларни ошкор қилманг.
- Агар сизга банк номидан шубҳали кўнгироқ ёки SMS хабарнома келса, ўзингиз банкка кўнгироқ қилиб аниқлик киритинг.
- Интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқлардаги ҳар хил мобил иловаларни телефонингизга юклаб олманг ҳамда уларга кодларни киритманг.
- Транзакциялар тўғрисида хабарнома хизматини ёқтиринг, иложи бўлса карта орқали қилинадиган сарф-харажатларга чеклов (лимит) ўрнатинг.
- Агарда пластик карта ҳисоб рақамингиздан пул ўғирланганини билсангиз зудлик билан банкка ҳамда ички ишлар органларига мурожаат қилинг.
- Кибержиноятчилар ижтимоий тармоқлар орқали ҳар хил важар билан карта эгаларига СМС-хабарномалар жўнатмоқда. Бундай хабарларга асло жавоб берманг.
- Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида тўловни амалга ошириш чоғида эса бегона шахсларга шахсий ПИН-код рақамини ошкор қилманг.

“O'zsanoatqurilishbank” АТБ
Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ ЕТАРЛИЧА КАПИТАЛ ЗАҲИРА БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

**МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИЙ СТАВКАНИ 14 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА БЕЛГИЛАШ
БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОР БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДАГИ
МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ МАМАРИЗО НУРМУРАТОВНИНГ МАЪРУЗАСИ**

Жорий йилдан бошлаб, Марказий банк Инфляция таргетлаш режими доирасида фаол коммуникация сиёсатини юритиш, яъни ҳар бир қабул қилинаётган қарорлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка батафсил етказиб боришга асосий эътибор қаратишини таъкидлаган эдик. Карантин чора-тадбирлари туфайли ўртада 2 та бошқарув йиғилишимиз натижалари бўйича фақат пресс-релиз чоп этиш билан чекландик.

Апрель ойида Марказий банк Бошқарув йиғилишида 2020 йил якунлари бўйича инфляциянинг прогноз кўрсаткичи 1 фоиз бандга, яъни 11-12,5 фоиз оралиғига пасайганлиги муносабати билан Марказий банк асосий ставкасини 16 фоиздан 15 фоизга туширган эдик.

Бугунги Бошқарув йиғилиши томонидан кун тартибидаги масала юзасидан турли хил муҳокамалар ва тортишувлар асосида Марказий банкнинг асосий ставкасини амалдаги 15 фоиздан 14 фоизгача пасайтириш бўйича қарор қабул қилинди.

Биз бугунги қарорни қабул қилишда, энг аввало, келгуси йил мақсад ва кўрсаткичларидан келиб чиқдик.

Пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинган ушбу қарор иқтисодиётда тўлиқ ўз аксини топиши учун маълум бир муддат талаб этилади.

Қайсидир ўзгаришлар ёки кўрсаткичлар суръатлари 1-2 ой ичида макроеқтисодий жараёнларга таъсир кўрсата бошласа, айримлари 6 ой ва ундан ҳам узоқроқ вақт ичида ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ушбу қарорни қабул қилинишига асос бўлган омиллар қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, амалга оширган таҳлилларимиз йил сўнгига қадар инфляция прогноз динамикасининг янада секинлашишини кўрсатмоқда.

Бу ўз навбатида, инфляция даражаси пасайиб боргани сари ижобий реал фоиз ставкалар даражасини ҳам бир маромда мақбуллаштириб боришни талаб этади.

Иқтисодий фаолликнинг секинлашуви шароитида ижобий фоиз ставкаларининг жуда ҳам юқори даражада бўлиши иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва инвестицион жа-

раёнларни секинлаштиришга олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ушбу қарор пандемия шароитида инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни кўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Жорий йил якунигача инфляцияни кескин оширувчи омилларнинг нисбатан камлиги пул-кредит шароитларини инфляция хатарларни юзага келтирмасдан юмшатиш имконини беради.

Агар 2019 йил якунида йиллик инфляция даражаси 15,2 фоиз бўлган бўлса, август ойига келиб 11,6 фоизгача секинлашди ва биз белгиланган мақсадли траекториядан паст бўлди.

Ўтган 8 ойдаги инфляциянинг пасаявчи динамикасининг шаклланиши асосан:

тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолганлиги;


карантин чекловларининг ички талабга ҳамда аҳоли даромадлари ва бандлик даражасига пасайтирувчи таъсири;

мева-сабзавотлар нархларининг мавсумий пасайиши;

иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг ўтган йилга нисбатан секинроқ суръатларда ўсганлиги;

валюта курсининг апрель ойидаги девальвациясидан кейинги ойларда барқарорлашуви ва бошқалар билан изоҳланади.

Монетар омиллар нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, иқтисодиётда пул таклифини ўсишига олиб келувчи омиллар, яъни кредитларни ўсиши, иқтисодиётга қўшимча ликвидлик чиқариш суръатлари ўтган



- 2020 йил августда йиллик инфляция даражаси 11,6 фоизга тенг бўлди;
- Инфляция даражаси ўзининг прогноз кўрсаткичидан паст бўлмоқда.

йилга нисбатан бирмунча секинлашди. Асосан фискаль тадбирлар, хусусан, пандемия шароитида бюджет харажатларининг даромадларига нисбатан юқори суръатларда амалга оширилиши маълум бир жиҳатдан пул массаси ўсишига сабаб бўлди.

2020 йилнинг I ярим йиллигида бюджет харажатлари 64,8 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 трлн. сўмга юқори бўлди.

Банкларни кредит ажратиш фаолиятига тўхталиб, 2020 йилнинг 8 ойи давомида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 40,7 трлн. сўмга (24,2 фоиз) ва аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи 10 трлн. сўмга (25,3 фоиз) ўсганлигини қайд этиш мумкин.

Йиллик инфляция таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 8 фоизга ва хизматлар тарифлари 7,5 фоизга ўсиб, умумий инфляцияни пасайтирувчи таъсир кўрсатди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи эса 16,8 фоизга, яъни нисбатан юқори суръатларда ўсиб, умумий нархларга оширувчи таъсир кўрсатди.

Яна бир муҳим кўрсаткич – бу иқтисодиётдаги инфляцияни кутилмалар.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ой учун инфляцияни кутилмалари жорий йил июль ойидаги ўсишдан сўнг сезиларли даражада пасайди.

Бироқ инфляцияни кутилмалар ва амалдаги инфляция ўртасидаги фарқ жорий йил март ойидан буён юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Иккинчидан, асосий ставка ўзгаришининг пул бозоридаги фоиз ставкаларига ижобий таъсири банкларнинг депозит ва кредит муносабатларида намоён бўлмоқда.

Апрель ойидаги асосий ставканинг пасайтирилиши, июль-август ойларида мажбурий захира талабларининг юмшатилиши ва Марказий банк томонидан пул-кредит операцияларининг фаол ўтказилиши шароитида банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари, шу жумла-

дан, узоқроқ муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Сўнгги икки ой давомида икки ҳафталик банклараро депозитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланди.

Албатта, бунда жорий йилнинг июль ойида мақбул фоиз ставка сиёсати жорий этилишининг ҳам маълум бир таъсири мавжуд.

2020 йилнинг июль ойида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари 18 фоизгача, юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича эса 15,2 фоизгача пасайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, номинал фоиз ставкаларининг пасайишига қарамай, инфляциянинг пасайиши шароитида депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари ижобий даражада сақланиб қолди.

Банк тизимидаги депозитлар ҳажмининг пасайиши кузатилмади ва жорий йил январь-август ойларидаги ўсиш 13,6 фоизни ташкил этди.

Миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 20,6 фоизгача пасайди. Хусусан, юридик шахслар кредитлари бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 24,3 фоиздан 19,5 фоизгача, жисмоний шахслар кредитлари бўйича эса йил бошида 28,1 фоиздан 22,3 фоизгача пасайди.

Учинчидан, пандемия шароитида бир қатор макроеқтисодий кўрсаткичларда ўзгаришлар кузатилди.

Бу ўзгаришлар ҳам ички, ҳам ташқи омиллар орқали иқтисодиётимизга таъсир кўрсатди.

Хусусан, ташқи омиллар таъсири ҳам ўтган даврда турли йўналишда бўлди. Экспорт ва импорт ҳажмлари ва халқаро пул ўтказмаларидан тушумларнинг пасайиши кузатилган бўлса, жаҳон бозорида кимматбаҳо металллар (олтин) нархлари ўсиши бюджет даромадлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ҳажмига ижобий таъсир қилди.

(Давоми 5-саҳифада)

Инфляция прогнози

Йиллик курсаткич, фоизда



(Бошланиши 4-саҳифада)

Жорий йилнинг 7 ойида экспорт ҳажмлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,3 фоизга, импорт ҳажми 17,7 фоизга қисқарди. Мамлакатимизга кириб келган халқаро пул ўтказмалари ҳажми эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 фоизга пасайди.

Ички омиллар борасида шуни қайд этиш лозимки, барча давлатларда кузатилаётгани каби карантин чораларининг жорий этилиши натижасида иқтисодий таъминнинг айрим тармоқ ва соҳаларида фаолият маълум даражада тўхтади. Туризм, хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари фаолияти қисқарди.

Май-июнь ойларида иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиш тенденциясидан сўнг, июль-август ойларида бир қатор кўрсаткичларнинг маълум бир даражада пасайиши кузатилди.

Жумладан, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати ҳам январь-июнь ойларидаги 7,3 фоиздан июль ойи якуни бўйича 5,7 фоизгача секинлашди.

Шунингдек, савдо ва пуллик хизматлар соҳасида пул тушумлари ҳажмининг ўсиш динамикаси маълум даражада секинлашди.

Август ойининг дастлабки 15 кунда карантин чораларининг сақланиб қолганлигини инобатга олсак, таҳлилларимиз августнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий ҳолатда ижобий томонга ўзгаришлар бошланганлигидан далолат бермоқда.

Бунда албатта, тижорат банкларининг "мижозга йўналтирилган" иш услубига ўтиши ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганлигини эътироф этиш мумкин.

Мисол учун, карантин даврига қадар барқарор фаолият кўрсатган жами 217 минг корхоналардан 1 май ҳолатига 118 мингасининг пул тушумлари кескин қисқарган эди.

Май-июль ойларида мазкур корхоналарнинг 63 мингасида, август ойида 17 мингта корхоналар пул тушумлари тўлиқ тикланди, яъни пул тушумлари карантинга қадар бўлган ҳажмларга етди.

Бунда карантин даврида корхоналар фаолияти узлуксизлигини таъминлашга қарийб 14,5 трлн. сўмлик револьвер кредитлар ажратилди.

Маълумот учун: жорий йил 1 июль ҳолатига пул тушумлари кескин камайган корхоналар сони 69 705 тани ташкил этган бўлса, 1 сентябрь ҳолатига 37 977 тани ташкил қилди (32,2 фоиз).

Тўртинчидан, пандемиянинг банк тизимига таъсири.

Пандемия шароитлари, хусусан, иқтисодийнинг реал секторидagi фаоллик пасайиши билан банкларнинг миқозлари молиявий ҳолатига ва бу орқали албатта, банк тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Март ойдан бошлаб, тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича 26,5 трлн. сўмлик тўловларнинг муддати жорий йилнинг 1 октябрга қадар узайтириб берилди.

Бугун дунёда кузатилаётгани каби бизда ҳам банк активлари сифатида ўзгаришлар юз берди. Хусусан, банк тизимида муаммоли кредитларнинг (NPL 90+) улуши йил бошига нисбатан 0,9 фоиз бандга ошиб, 2,4 фоизга этди.

Бунда муаммоли кредитларнинг 77 фоизини корпоратив миқозларга, 23 фоизини эса жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этди. Корпоратив миқозлар бўйича (NPL 90+) – 1,85 фоиз, жисмоний шахслар бўйича 0,55 фоиз.

Тўловлари кечиктирилган ва муддати узайтирилган кредитлар жами кредит портфелининг 42 фоизини ташкил этмоқда.


Айни пайтда январь-июль ойларида банкларнинг капитал рентабеллиги даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,7 фоиздан 10 фоизгача пасайди.

Бу рақамлар унчалик хатарли эмас, замонавий кредитлаш амалиётида вужудга келиши мумкин бўлган нормал кўрсаткичдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон банклари етарлича капитал захира билан таъминланган бўлиб, қўшимча 18,4 трлн. сўм миқдорига ёки банк тизимининг кредит портфелини 7 фоизи миқдорига захира шакллантириш потенциалига эга.

Марказий банк томонидан коронавирус пандемиясининг банклар кредит портфели сифатига бўлган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда ликвидлик хатарини вужудга келтирадиган ҳолатларга бардошлигини баҳолаш мақсадида доимий равишда стресс-тестлар ўтказилмоқда.

Банкларо пул бозори фоиз ставкалари



Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ўтказилган стресс-тест натижалари пул тушуми кескин камайган 10 523 та корхоналар жалб қилган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ сўндирмаслиги натижасида муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши йил якунига қадар 2 баробарга ортиб, 7,6 фоизга (июнь ойидаги стресс-тест натижалари бўйича 8,1 фоиз) етиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этганимиздек, бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини тиклаш ва шу орқали келгусида муаммоли кредитлар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида миқозбай ўрганиб чиқиш ва муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар қўрилиб келинмоқда.

Бунда ҳар бир миқознинг фаолият тури, уларнинг бозори ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, улар билан алоҳида индивидуал ишлаш ташкил этилиб, амалий ёрдам бериш чоралари кўрилувчи.

Шу ўринда сўнгги пайтларда кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалалардан бири – бу кредитлар бўйича муддати узайтирилган тўловларни 1 октябрдан кейин ҳам яна бир бор кечиктириш масаласидир.

Бу борада таъкидлаш зарурки, Марказий банк томонидан 2019 йилда Жаҳон банки экспертлари кўмагида қарздорларда молиявий қийинчиликлар вужудга келганда, кредит бўйича тўловлар муддатларини узайтиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Мазкур тартибга асосан кредит бўйича тўлов муддатларини узайтириш масаласи банклар томонидан мустақил равишда қарздорнинг пул оқимларидан келиб чиққан ҳолда миқозбай кўриб чиқиши мумкин.

Сўмнинг алмашув курси динамикаси январь-август ойларида жаҳон иқтисодий таъминининг умумий иқтисодий вазиятининг ёмонлашуви, валюта тушумларининг камайиши ва асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюталарининг қадрсизланиши фондида шаклланди.

Натижада валюта курси жорий йилнинг апрель ойида 5,8 фоизга кескин қадрсизланишидан кейин май-август ойларида нисбатан

барқарор бўлиб, ўтган январь-август ойларида умумий девальвация даражаси 8 фоиз атрофида бўлди.

Шу билан бирга, келгусида валюта курси ўзининг фундаментал трендида яқин даражада шаклланиши ва реал эффе́ктив алмашув курсида жиддий тебранишлар рўй бермаслиги кутилмоқда.

Албатта, бунда ички макроиқтисодий ҳолат билан бирга ташқи дунёдаги иқтисодий ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Йил сўнгигача ва келгуси йилнинг бошида юзага келиши мумкин бўлган инфляция хатарлар.

Қисқа муддатли истиқболда иқтисодий таъминининг оширувчи омиллар вазнининг устун келиши кутилмаёпти.

Бу биринчидан, Ҳукуматда жорий йил охиригача тартибга солинадиган нархларни, хусусан, электр энергияси, коммунал хизматлар, жамоат транспорти тарифлари ва бошқа тартибга солинадиган нархларнинг ўзгартириш бўйича режаларнинг муҳокама қилинмаётганлиги билан боғлиқ.


Бундан ташқари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида келгуси даромадлари бўйича ноаниқликларнинг мавжудлиги, харажатларни оптималлаштиришнинг хоҳиши ва истеъмолчилар танловларининг ўзгариши фондида аҳоли томонидан, айниқса, бирламчи эҳтиёж тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга бўлган талабнинг қисқариши инфляциянинг секинлашишига хизмат қилади.

2021 йилда инфляция бўйича прогнозимиз 10 фоизни ташкил этади. Бунда инфляция даражасига таъсир кўрсатувчи асосий оширувчи омил бўлиб, келгуси йилда амалга оширилиши кутилаётган тартибга солинадиган энергия ресурслари нархларининг эркинлаштирилиши ҳисобланади.

Марказий банк бошқарувининг бугунги қарори ҳам ўз навбатида, 2020 йилнинг қолган 4 ойида ва 2021 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий фаолликни зарур даражада қўллаб-қувватлаш учун муносиб сигнал бўлади.

Саҳифа Марказий банк Ахборот хизмати кўмагида тайёрланди.

Трансчегаравий пул ўтказмалари (млн. долл.)



ИҚТИСОДИЁТНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

саноат ва рақобат сиёсатини, маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш, тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, саноатнинг стратегик тармоқлари корхоналарида ислохотларни давом эттириш асосида такомиллаштириш;

инвестиция жараёнларини, маҳаллий инвесторларнинг инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва қўшилган қийматнинг ишлаб чиқариш "занжирлари"ни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокини рағбатлантириш учун ички манбаларни кенгайтириш йўли билан фаоллаштириш;

экспорт қилувчи корхоналарни қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш орқали, савдонини молиялаштиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларни янги экспорт бозорларига етказиб беришни кенгайтиришда савдо-воситачилик ташкилотларини рағбатлантириш ҳисобига ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш;



давлат харидлари тизимида хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш, ҳудудлардаги кичик саноат зоналарини уларга ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаси объектларини ўтказиш учун қўшимча молиявий ресурсларни ажратган ҳолда ривожлантириш асосида ишбилармонлик ва рақобат муҳитининг қўлайлигини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

ҳудудларда аҳолига комплекс хизматлар кўрсатадиган савдо ташкилотлари тармоғини ривожлантириш, маҳаллий мобил алоқа операторларининг давлат активларини босқичма-босқич сотиш ва қишлоқ жойларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек 2021 йилда барча ижтимоий муассасалар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улашни яқунлаш ҳисобига хизматлар соҳаси корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

• 2020-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси;

• Иқтисодиётда таркибий ислохотларни тиклаш ва давом эттириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси".

Амалий ҳаракатлар режасида коронавирус пандемияси тарқалишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг батафсил таҳлили, 2020 йилда тиклаш босқичлари ва кутилаётган натижалар қайд этилган. Унда Режанинг асосий мақсад ва вазифалари, макроиқтисодий сиёсат ва бозор институтларини ислох қилиш борасидаги муҳим чора-тадбирлар кўриб чиқилган.

Режа икки босқичда амалга оширилди:

I – 2020 йил охирига қадар иқтисодий ўсишни тиклаш ва барқарорлаштириш. Бунда қуйидаги ўсиш кўрсаткичлари кузатишмоқда:

ЯИМ – 102,2%;
саноат – 103,4%;
қишлоқ хўжалиги – 103,3%;
инвестициялар – 101,2%;
хизматлар соҳаси – 100,1%;
чакана товар айланмаси, шу жумладан умумий овқатланиш – 103%;
экспорт – 94,3%.

II – 2021 йилдан бошлаб барқарор иқтисодий ўсишни 5–5,5% даражасида таъминлашга йўналтирилган тизимли ислохотларни давом эттиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. Қуйидагилар асосий чора-тадбирлар этиб белгиланган:

ташқи қарзнинг ўсишини чеклаш;
ташқи қарзлардан самарали фойдаланиш;

давлат инвестиция харажатларини оптималлаштириш;

божхона имтиёзларини оптималлаштириш;

саноат ва рақобат сиёсатини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасини ислох қилишни давом эттириш;

иқтисодиётда ва ҳар бир тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш.

"Йўл харитаси"да 2020-2021 йилларда иқтисодиётда таркибий ислохотларни тиклаш ва давом эттириш чора-тадбирларини амалга оширишга оид тадбирлар, амалга ошириш механизмлари, харажатлар ва молиялаштириш манбалари, кутилаётган натижалар белгиланган.

Norma.uz

ТАШҚИ ҚАРЗ МАСАЛАСИДА ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Авалло таъкидлаш лозимки, давлат қарзининг мақбул даражаси ҳақида умумқабул қилинган ягона мезон мавжуд эмас. Ривожланган мамлакатларга нисбатан одатда давлат қарзининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи 60 фоиз бўлиши энг кўп эътироф этилган мезон сифатида қаралади.

Ҳўш, ҳақиқатда давлат қарзи даражаси бўйича ривожланган мамлакатларда аҳвол қандай? Масалан, Япониянинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 2019 йил якунлари бўйича 236,6 фоизни ташкил этган. 2020 йил якунига келиб, 250 фоизга чиқishi кутилмоқда.

Евроҳудудда давлат қарзининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи 2020 йилнинг 1-чорагида ўртача 86,3 фоизни ташкил этган. Европа Иттифоқи бўйича давлат қарзининг ЯИМга нисбатининг ўртача кўрсаткичи 79,5 фоизни ташкил этган.

2020 йил 1 чораги ҳолатига давлат қарзининг ЯИМга нисбати энг юқори бўлган ЕИ давлатлари қаторига Греция (176,7%), Италия (137,6%), Португалия (120,0%), Бельгия (104,4%) ва Францияни (101,2%) киритиш мумкин.


Ҳаммамизга маълумки, давлат қарзининг таркибида 1 млрд. АҚШ доллари миқдорига Ўзбекистоннинг евробондлари улушига тўғри келади. Ушбу облигацияларнинг эмиссия қилиниши билан иқтисодиётимиз тарихида янги босқич амалга оширилди, сабаби унга қадар мамлакатимиз халқаро фонд бозорларидан маблағлар жалб этган эмас эди. Бунинг асосий омилларидан бири – Ўзбекистоннинг очиклик сиёсатини амалга ошираётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – мамлакатимизни суверен кредит рейтингига эга бўлиши билан изоҳланади.

Умуман, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан кўра 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашини маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

2020 йил апрель ойида эълон қилинган Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг узоқ мuddатли кредит рейтингини "BB-" (барқарор) даражада эканлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистонга қўшимча ташқи маблағларни жалб этишга имконияти мавжудлигини аниқлатади.

Шунингдек, олтин-валюта захирамиз импортни камида уч ой давомида қоплашига етишини инobatга олсак, биз ташқи қарзни бемалол жалб этишимиз мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Ташқи қарзни биринчи навбатда давлат дастурларини ва давлат



Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса, солиқ тушумлари бўйича берилаётган таътиллар даврида жалб этиладиган қарз маблағларини бюджет даромадлари ўрнини тўлдириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 24 январь куни Олий Мажлиси йўллаган мурожаатномасида: "Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгилади. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинadиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади", деган эди.

Демак, ташқи қарзни макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатини инobatга олган ҳолда жалб этиш давлатимиз томонидан ҳам алоҳида эътиборга олиниши белгиланмоқда. Ташқи қарзни мўътадил даражасини таъминламасак, келажакда макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир этиши мумкин.

Муҳтасар қиладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг айни пайтда ташқи қарз олиш масаласи муҳим. Чунки пандемия давридаги иқтисодий ҳаракатсизлик ҳолатида ялпи талаб ва ялпи тақлифни таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни минимал даражасида сақлаб туришга имкон бериди.

Бундан ташқари, жалб қилинган ташқи қарзнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши бўйича шаффофликни таъминлаш, бу борадаги ахборотларни кенг жамоатчилиikka маълум қилинишини ҳам ижобий қадам сифатида баҳолаш зарур. Шу боисдан, ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ушбу олинadиган қарзларни самарали ишлатилишига кафолат бўла олади, деб ҳисоблайман.

Finance.uz

“МИКРОКРЕДИТБАНК”ДАН СОҶА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

Юртимизда “Микрокредит-банк” акциядорлик тижорат банки томонидан бир неча йилдан буён куёнчилик соҳасининг такомиллашувига ҳамда ривожига учун бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Натижада республикамизнинг барча ҳудудларида куёнчилик билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Бу борада Бухоро вилоятида ҳам самарали ишлар қилинаётгани, бу ўз навбатида, аҳолини арзон гўшт таъминлаш имконини бериши баробарида янги иш ўринларини яратилишига ҳам замин яратмоқда.

Жумладан, жорий йил мобайнида Бухоро вилоятида куёнчилик соҳаси бўйича жами қиймати 23 740 млн. сўмлик 8 та лойиҳа аниқланди. Лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан 8 705 млн. сўм, банк кредити ҳисобидан 15 035 млн. сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилган бўлиб, шу кунга қадар 7 та лойиҳа учун 5 035 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Жумладан, мазкур маблағ ҳисобига Ромитан туманида фаолият олиб бораётган “Муҳаммадзиев Озодбек Замини” фермер хўжалиги томонидан куёнчилик агрофирмаси ташкил этилиб, Россия давлатидан 600 бош “Хиккол” зотли куёнлар олиб келинди. Қайд этиш жоизки, мазкур агрофирмага умумий ҳисобда 1 600 млн. сўм

кредит ажратилиб, ушбу маблағ хўжаликнинг қурилиш ва таъмирлаш ишларига ва куён сотиб олишу озукасига сарфланиб, ун нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Шунингдек, “Ромитан Шўрча куёнлари” МЧЖ ҳам 1 280 млн. сўм кредит маблағи эвазига янги агрофирма бўлиб этиб, Россия давлатидан 200 бош “Хиккол” зотли куёнлар олиб келди. Йил якунига қадар тадбиркор куёнлар бош сони 8 000 га етказишни мақсад қилган.

Агар бу каби лойиҳаларни вилоят бўйича қўриб чиқадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда куёнчилик билан шуғулланиш истагидаги жисмоний шахсларга 1 630 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва 81 та янги иш ўринлари яратилди. Булардан ташқари, ҳудудда жорий йилнинг охирига қадар 400,0 млн. сўм кредит ҳисобига 570 та хонадонга 10 бошдан жами 5 700 бош она куён тарқатиш режалаштирилган.

Қисқасини айтганда, 2020 йил якунига қадар вилоятдаги агрофирмалар ва аҳоли хонадонларига 15 400 млн. сўм маблағлар ажратилиб, куёнлар сони 43 500 бошга етказиш ҳамда 84 тонна куён гўшти ва 43 500 дона куён териси олиш мўлжалланмоқда. Энг асосийси, мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 600 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли арзон гўшт маҳсулотлари билан таъминланади.

Хайрулло Мирзаев болаликдан куён боқишга қизиқади. Раҳматлик онасининг кўрсатмаси, отасининг насиҳатлари билан Хайрулло куёнчилик соҳасини ривожлантириш бўйича дастлаб мўжазгина уйда кейинчалик ташландиқ бинода фаолиятини давом эттиради. Соҳани ривожлантириш бўйича давлат раҳбари томонидан чиқарилган ҳужжатларни ўрганиб, фаолиятини кенгайтириш учун 2016 йили банкдан 160 миллион сўм кредит олади.



ТАДБИРКОР: ҚУЁНЛАРИМ БИЛАН БИРГА ЯШАЙМАН

Ота-онасининг номи абадийлаштириш мақсадида “Хосият Файз Мирзо” масъулияти чекланган жамияти корхонасига асос солади. Дастанда 3 киши билан иш бошлаган тадбиркор куёнларни кўпайтириб аҳолига сотишни бошлайди.

– 45 миллион сўмга махсус аппарат сотиб олиб куёнлар учун озукани ишлаб чиқарамиз, – дейди Бухоро тумани Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини Зарафшон кўчаси 14 уйда яшовчи Хайрулло Мирзаев. – Озуқа учун беда ўти, буғдой, арпа, кунгабоқар, шурот, балиқ уни, туз, соя, бўр, маккажўхори, ёғ ва бошқа бирикмалар қўшилиб, махсус аппаратда янчилади. Ҳосил бўлган қоримша гранула ҳолатига келтирилади. Жуда ҳам фойдали бу маҳсулотни куёнлар севиб истеъмол қилади. Эндиликда мана шундай озукаларни тайёрлаб сотишга ҳам чиқарамиз. Авваллари бу озукани водий вилоятларидан олиб келинган. Куён билан бирга яшайман. Уларни яхши қўриб парвариласангиз жуда ҳам кўпайиб кетади. Куён 1 йилда 5 мартаба болалади. Бир болалаганда 8-10 тагача кўпаяди. Гўшти парҳезбop. 3 ойлик куён рацион билан озикланса 1 ярим килогача гўшт беради. Жунни харидорлар севиб олади.

Айни пайтда тадбиркор 250 дона Фландир, Калифорния, Хоккол зотли куёнларни парвариласмоқда. Корхонага жорий йилда

“Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури асосида вилоят “Микрокредит” банкдан 160 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонада шу кунгача 5 та иш ўрни яратилди. Ишчиларга 1 миллион сўмдан ҳар ой иш ҳақи берилмоқда. Корхона томонидан аҳолига 3 мингта зотдор куён тарқатилди. Тарқатган куёнларни аҳоли боқиб, қайтиб корхонага сотади. Корхона сотиб олинган зотдор куёнларни яна кўпайтиради.

– Россия Давлатига қатнардим, – дейди корхона ишчиси Расул Ярашов. – Пандемия сабаб бора олмадим. Корхонага иш сўраб келгандим ишга олишди. Рўзгоримга фойдам тегсин деб фойдали меҳнат билан бандман. Ойлигим ўз вақтида берилляпти. Бундан хурсандман.

Корхонада иш қизгин. Лекин иш бор жойда камчиликлар ҳам мавжуд. Бугун корхона куёнлар учун озукани ишлаб чиқаряпти. Лекин озукани учун ер майдони жуда ҳам кам. Корхонага ер майдони ажратилса, озукани ишлаб чиқариш кўпаяди. Куёнчилик билан шуғулланувчи корхоналар озукани шу ердан харид қилишади. Бунда ҳам яна иш ўринлари яратилади. Соҳада фаолият олиб борувчи ветеринария врачларининг етишмаслиги ҳам соҳанинг ривожига тўсиқ бўлиб турибди. Бу борада етук кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг вазифаси ҳисобланади.

Бухоро вилояти Олот тумани адлия бўлими томонидан тумандаги “Опшoқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи “Ali Sar Akfa” хусусий корхонаси раҳбари А.Каримовнинг тадбиркорлик қилиш мақсадида Агробанк АТБ Олот филиали томонидан кредит маблағи таъминотчига кўчириб берилмаётгани сабабли у ишини бошлай олмаётганлиги юзасидан қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, мурожаат муаллифи Агробанк АТБ Олот филиалига 2 ой олдин кредит ажратиш хусусида мурожаат қилган. Бироқ банк филиали масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёки ўзига аён бўлган бошқа манфаатларда ёндашишлари натижасида “Ali Sar Akfa” хусусий корхонасига 30 миллион сўм кредит маблағи ўрганиш кунига қадар ажратилмаган. Оқибатда тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлай олмаётганлиги маълум бўлди.

КРЕДИТ МАБЛАҒИ АЖРАТИЛИШИДА ЁРДАМ БЕРИЛДИ

– Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратиши кўрсатилган, – дейди Олот тумани адлия бўлими бошлиғи Ихтиёр Чўлпиев.

– Шунингдек, мазкур қарорнинг 8-бандига асосан вилоятлар ёки туман (шаҳар)лар марказлари томонидан оила-ларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва



ёшларнинг лойиҳалари, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитларни мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг тақлиф этаётган лойиҳаларига кредит ажратиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида бериладиган хулосалар асосида; товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нархда етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг

ажратилади ва маҳсулот-етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади, – деб кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури амалга ошириш тўғрисида”ги қарорининг 9-бандида тижорат банклари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваргача миқдорда – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимо-

ий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваргача миқдорда – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафилиги, сўғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафилиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари асосида кредитлар ажратилиши белгиланган.

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, қўриқдаги аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан “Агробанк” АТБ Олот филиалига қонун ҳужжатларининг бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Мурожаат муаллифига 30 миллион сўмлик кредит маблағларининг ажратилиши таъминланиб, таъминотчи корхонага ўтказиб берилди.

Чет эл капитали иштирокидаги “САВДОГАР” акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2017 йил 21 октябрдаги № 42 сонли лицензия
Юридик манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2019 ва 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра			
(минг сўмда)			
N	Моддалар	2019 йил	2018 йил
Активлар			
010	Нақд пуллар	60 383 728	37 673 323
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинadиган маблағлар	94 276 443	14 789 718
030	Бошқа банклардан олинadиган маблағлар	68 208 336	21 316 682
040	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қўғозлар - Савдо, соф	1 200 000	2 600 000
041	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қўғозлар - Носавдо, соф	0	0
050	Ҳосила молиявий воситалар	0	0
060	Инвестициялар - сотиш учун мавжудлари	107 220	170 975
061	- сўндирилгунча ушлаб туриладиганлари	0	0
070	Тескари РЕПО	0	0
080	Мижозларга кредит ва бўнақлар:	759 601 959	546 008 876
081	Манфий: Эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(15 668 420)	(14 776 261)
082	Соф кредит ва бўнақлар	743 933 539	531 232 615
090	Молиявий ижара, соф	0	0
100	Тобе ҳўжалик жамиятларига инвестициялар	0	0
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар	0	0
110	Гудвилл	0	0
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	73 625 195	48 390 755
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	2 076 597	1 297 818
140	Бошқа шахсий мулклар	1 410 880	2 850 630
150	Солиқ талаблари	4 506 376	9 442 847
160	Бошқа активлар	7 897 322	8 296 886
	ЖАМИ: АКТИВЛАР	1 057 625 636	678 062 249
Мажбуриятлар			
Депозитлар			
181	Талаб қилиб олингунча	152 465 586	137 019 090
182	Жамгарма	569 009	1 581 698
183	Муддатли	518 295 957	231 090 213
184	Депозитли сертификатлар	0	0
185	Ҳўкумат ҳисобварақлари	4 380	27 823
190	Жами депозитлар	671 334 932	369 718 824
200	Марказий банкка тўланадиган маблағлар	0	0
210	Ҳўкуматга тўланадиган маблағлар	37 704 100	0
220	Бошқа банкларга берилadиган маблағлар	39 000 676	99 511 894
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	42 594 510	49 231 720
240	Субординadиган қарз	95 743 667	0
250	Солиқ мажбуриятлари	649 117	785 986
260	Бошқа мажбуриятлар	23 754 492	13 183 694
270	Чиқарилган қарз қимматли қўғозлар	0	0
280	Жами мажбуриятлар	910 781 494	532 432 118
Хусусий капитал			
300	Оддий акциялар	135 091 188	135 091 188
310	Имтиёзли акциялар	300 000	300 000
320	Қўшилган капитал	60 000	60 000
330	Жами акциядорлик капитали	135 451 188	135 451 188
340	Қайта баҳолash бўйича захира	0	0
350	Тақсимланмаган фойда (тўпланган тақчиллик)	11 392 954	10 178 943
360	Жами хусусий капитал	146 844 142	145 630 131
370	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	1 057 625 636	678 062 249

Умумий даромад тўғрисидаги йиғма ҳисобот 2018 ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра			
(минг сўмда)			
N	Моддалар	2019 йил	2018 йил
Фоизли даромад			
011	Кредитлар бўйича фоизли даромад	129 593 366	80 674 641
012	ЎЗР МБ ва бошқа банклар ҳисобварақлари бўйича фоизли даромад	3 396 838	1 335 670
013	Олди ва сотди учун мўлжалланган қимматли қўғозлар бўйича фоизли даромад - савдо	0	0
014	Олди ва сотди учун мўлжалланган қимматли қўғозлар бўйича фоизли даромад - носавдо	0	0
015	Сотиш учун мавжуд инвестициялар бўйича фоизли даромад	0	0
016	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоизли даромад	0	0
017	РЕПО нинг тескари битимлари бўйича фоизли даромад	0	0
018	Молиявий ижара бўйича фоизли даромад	5 275	5 842
019	Бошқа фоизли даромад	47 299	428 991
020	Жами фоизли даромадлар	133 042 778	82 445 144
Фоизли харажатлар			
031	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(1 585 024)	(494 776)
032	Жамгарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(8 102)	(13 885)
033	Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(59 850 810)	(17 878 058)
034	Сертификатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	0	0
035	Ҳўкумат ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	0	0
036	ЎЗР МБ га тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар	0	0
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар	(7 196 252)	(22 090 089)
038	Бошқа қарз маблағлар бўйича фоизли харажатлар	(2 004 839)	(2 104 843)
039	Муомалага чиқарилган қарз қимматли қўғозлар бўйича фоизли харажатлар	0	0
040	РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар	0	0
041	Бошқа фоизли харажатлар	(756 134)	0
050	Жами фоизли харажатлар	(71 401 161)	(42 581 651)
060	Соф фоизли даромад	61 641 617	39 863 493
070	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолash	(3 025 273)	(6 064 282)
080	Захира баҳолashдан кейинги соф фоизли даромад	58 616 344	33 799 211
Фоишсиз даромад			
091	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	35 549 459	33 145 126
092	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(10 579 345)	(9 627 055)
093	Савдо амалиётларидан олинган фойда (зарар)	0	0
094	Валютали амалиётлардан олинган фойда (зарар)	2 914 116	1 647 218
095	Дивидендлар шаклидаги даромадлар	0	0
096	Инвестициялардан олинган фойда (зарарлар)	181 350	37 663
097	Тобе ҳўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналардан олинган фойда (зарар)	0	0
098	Соф пулли моддалар бўйича фойда (зарар)	0	0
099	Бошқа операцион даромадлар (харажатлар)	7 684 369	14 538 099
100	Жами фоишсиз даромад	35 749 949	39 741 051
Операцион харажатлар			
111	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(37 760 132)	(30 662 298)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(12 999 737)	(9 653 596)
113	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	(1 675 099)	(1 486 517)
114	Маъмурий харажатлар	(9 082 216)	(5 961 177)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(9 349 512)	(6 981 321)
116	Амортизация - Номоддий активлар	(469 049)	(261 637)
117	Сугурта, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича харажатлар	(1 041 165)	(7 098 454)
118	Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолash	0	(11 603)
119	Бошқа операцион харажатлар	(4 464 597)	(5 849 134)
120	Жами операцион харажатлар	(76 841 507)	(67 965 737)
130	Даромад (фойда) солиғига қадар олинган соф фойда (зарар)	17 524 786	5 574 525
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолash	(4 355 326)	2 939 033
150	Соф фойда (зарар)	13 169 460	8 513 558
160	Ҳар бир акцияга тўғри келadиган базавий фойда	10,08	8,18
170	Ҳар бир акцияга тақсимланadиган фойда	10,08	8,18

Чет эл капитали иштирокидаги “САВДОГАР” акциядорлик тижорат банки

(Бошланиши 8-саҳифада)

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ			
2018 ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра			
(минг ўзбек сўмида)			
N	Моддалар	2019 йил	2018 йил
	Операцион фаолиятдан келиб тушган пул оқимлари		
020	Олинган фоизлар	126 607 268	78 733 508
030	Туланган фоизлар	(72 499 882)	(42 459 075)
040	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида олинган пул маблағлари	35 341 257	33 292 554
050	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида туланган пул маблағлари	(10 789 160)	(9 214 350)
060	Дилинг операциялар буйича соф реализация қилинган фойда (зарар)		0
070	Хорижий валютали операциялар буйича соф реализация қилинган фойда (зарар)		0
080	Олинган дивидендлар	144 350	37 663
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитларни қоплаш	2 632 820	524 205
100	Бошқа операцион даромадлар (ҳаражатлар)	5 002 654	5 263 402
110	Етказиб берувчи ва ходимларга туланган пул маблағлари	(66 845 495)	(59 452 830)
120	Туланган даромад (фойда) солиғи	(3 724 097)	(3 411 836)
130	Операцион фаолиятга инфляциянинг таъсири		0
140	Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар операцион фаолиятдаги пул оқимлари	15 869 715	3 313 241
150	Операцион активлардаги соф (кўпайиш) / камайиш		
151	Марказий банк мажбурий захираси буйича соф (кўпайиш) / камайиш	(1 915 827)	31 833 624
152	Савдо қимматли қўғозларнинг соф (кўпайиш) / камайиш	0	0
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф (кўпайиш) / камайиш	0	0
154	Банк кредит ва бунақларнинг соф (кўпайиш) / камайиш	(6 075 377)	71 370 595
155	Мижозлар кредит ва бунақларнинг соф (кўпайиш) / камайиш	(213 593 083)	(109 190 755)
156	Бошқа активлардаги соф (кўпайиш) / камайиш	6 775 785	(5 808 743)
160	Операцион мажбуриятлардаги соф кўпайиш / (камайиш)		
161	Депозитлардаги соф кўпайиш / (камайиш)	301 616 108	63 761 111
162	Бошқа қарз маблағлар буйича тўловларнинг соф кўпайиш / (камайиш)	126 810 557	49 057 755
163	Бошқа банқларга тўловларга буйича соф кўпайиш / (камайиш)	(60 511 218)	(139 214 310)
164	Савдо мажбуриятлари буйича соф кўпайиш / (камайиш)	0	0
165	Бошқа мажбуриятлар буйича соф кўпайиш / (камайиш)	9 784 812	(301 360)
170	Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари	178 761 472	(35 178 842)
	Инвестициявий фаолиятдаги пул оқимлари		
190	Молиявий ижара буйича киримлар	0	0
200	Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан ташқари бўлган қимматли қўғозлар хариди	0	0
210	Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан ташқари қимматли қўғозлар сотуви	0	0
220	Шўъба, қўшма ҳўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарни харид қилиш, эга бўлинган пул маблағларидан ташқари	0	11 677
230	Шўъба, қўшма ҳўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг сотилиши, эга бўлинган пул маблағларидан ташқари	63 755	22 000 000
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилиш	(40 499 528)	(15 382 411)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	6 871 451	3 311 536
260	Инвестициявий фаолиятга инфляциянинг таъсири	0	0
270	Инвестициявий фаолиятдаги соф пул маблағлари	(33 564 322)	9 940 802
	Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари		
290	Омонат ва қарз қимматли қўғозлардан келиб тушган кирим	0	0
300	Омонат ва қарз қимматли қўғозлар буйича тўловлар	0	0
310	Молиявий ижаралар буйича тўловлар	0	0
320	Акцияларни чиқариш	0	0
330	Акцияларни тугатиш	0	0
340	Ўз акцияларни сотиб олиш	0	0
350	Қайта сотиб олинган ўз акцияларни сотиш	0	0
360	Пулли дивидендларни тўлаш	(7 223 500)	(6 507 500)
370	Молиявий фаолиятга инфляциянинг таъсири	0	0
380	Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари	(7 223 500)	(6 507 500)
390	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири	1 723 930	1 377 653
400	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига инфляциянинг таъсири	0	0
410	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги соф кўпайиш (камайиш)	139 697 580	(30 367 887)
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	57 318 823	87 686 710
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	197 016 403	57 318 823

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ								
2018 ва 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра								
(минг сўмда)								
N		Устав капитали	Кўшилган капитал	Қайта сотиб олинган ўз акциялари	Жами акциядорлик капитали	Захиралар	Тақсимланмаган фойда / (қопланмаган зарарлар)	Жами хусусий капитал
010	2018 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	70 391 188	60 000	0	70 451 188	7 858 887	65 459 664	143 769 739
020	Ҳисоботдаги ўзгаришларнинг самараси, солиқдан ташқари	0	0	0	0	0	0	0
030	қайта ҳисоб-китобдан сўнг	0	0	0	0	0	0	0
040	Ҳисобот даврида юзага келган:							
070	Соф фойда	0	0	0	0	0	8 513 558	8 513 558
080	Соф тан олинган фойда / (зарар)	0	0	0	0	0	8 513 558	8 513 558
090	Ундан аввалги йил акциялари буйича дивидендлар	0	0	0	0	0	(6 507 500)	(6 507 500)
100	Жорий йил акциялари буйича дивидендлар	65 000 000	0	0	65 000 000	0	(65 000 000)	0
110	Бошқалар	0	0	0	0	4 150 000	(4 295 666)	(145 866)
120	Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш / сотиш	0	0	0	0	0	0	0
130	Акцияларни муомалага чиқариш	0	0	0	0	0	0	0
140	2018 йил 1 январь ҳолатига кўра жами қолдиқ	135 391 188	60 000	0	135 451 188	12 008 887	(1 829 944)	145 630 131
150	Ҳисобот даврида юзага келган:							
180	Соф фойда	0	0	0	0	0	13 169 460	13 169 460
190	Соф тан олинган фойда / (зарар)	0	0	0	0	0	13 169 460	13 169 460
200	Ундан аввалги йил акциялари буйича дивидендлар	0	0	0	0	0	(7 223 500)	(7 223 500)
210	Жорий йил акциялари буйича дивидендлар	0	0	0	0	0	0	0
220	Бошқалар	0	0	0	0	590 297	(5 322 246)	(4 731 949)
230	Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш / сотиш	0	0	0	0	0	0	0
240	Акцияларни муомалага чиқариш	0	0	0	0	0	0	0
250	2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	135 391 188	60 000	0	135 451 188	12 599 184	(1 206 230)	146 844 142

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “PFK MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги АФ № 00770-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим ҳужжатлари буйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати буйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

Москва иқтисодий сиёсати мажмуаси матбуот хизмати хабар беришича, йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига кўра Москвада реал иш ҳақи миқдори қарийб 100 минг рублгача етди.



МОСКВАДА ИШ ҲАҚИ 100 МИНГ РУБЛГАЧА ОШДИ

Ўтган йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш ҳажми 3,5 фоизга тенг бўлди. Бундай ўсиш шаҳар иқтисодиётининг аксарият соҳаларида кузатилади. Бироқ хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан меҳмонхона бизнеси, ресторан, кўнгилочар ва бошқа мажмуаларда ўсиш қайд этилмади.

Шаҳар аҳолиси ўрта ҳисобда ойига 96,8 минг рубль иш ҳақи олади. Бу рақамлар йирик банкларнинг иш ҳақи лойиҳалари бўйича тўловлари орқали ҳам тасдиқланди. Бу борадаги тўловлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан беш фоиз ошган.

Айни пайтда шаҳар мэрияси вакили таъкидлаганидек, шаҳардаги ишсизлик даражаси атиги уч фоизни ташкил этмоқда. Бу эса дунёнинг энг йирик шаҳарларига нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичдир. Хусусан, Нью Йорк шаҳрида бу кўрсаткич 19,8 фоиз, Берлинда 10,8 фоиз, Лондонда 5,1 фоизга тенг.

Аввалроқ хабар берилганидек, Иқтисодий ривожланиш вазирлиги Россия иқтисодиётининг қайта тикланиши бўйича тайёрланган башоратини ўзгартирди. Жумладан, янги башоратта кўра жорий йилда аҳолининг реал даромади пасайиши 3,8 фоиз эмас, балки 3 фоизга етиши тахмин қилинмоқда. Реал иш ҳақи эса 1,5 фоизга ошиши башорат қилинди.

Айни пайтда Россия Президенти ҳузурдаги тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ваколатли вакиллари яқин келажақда солиқ бўйича инқироз юзага келиши мумкинлигини таъкидламоқда.

АМЕРИКАЛИК БАДАВЛАТ ШАХСЛАР МИЛЛИАРДЛАБ ДОЛЛАР ЙЎҚОТИШДИ

Bloomberg хабар беришича, Американинг АКТ соҳасидаги энг бадавлат шахсларининг ўн нафари фонд биржаларидаги пасайиш оқибатида 44 миллиард АҚШ долларини йўқотган.



Amazon асосчиси Жефф Безос қисқа фурсатда тўққиз миллиард долларига камбағаллашган бўлиб, июнь ойидан бошлаб компаниясининг акциялари нархи пасайиб кетди. Илон Маск бойлиги 8,5 миллиард доллар, Microsoft етакчиси Билл Гейц эса 2,9 миллиард доллар, Facebook асосчиси Марк Цукерберг 4,2 миллиард долларини йўқотган.

Ой бошида ўтказилган савдо якунларига кўра Америка фонд индексининг асосийлари 2,8-5 фоизга тушиб кетган. Юқори технологик компанияларнинг NASDAQдаги индекси 4,5 фоизга қисқариб кетди. Apple акциялари 8 фоиз, Facebookники 3,7 фоиз, Microsoftники 6,1 фоиз, Teslaнинг акциялари 9 фоиз арзонлашган.

Европа иқтисодиётида коронавирус пандемияси ҳамда нефть нархидаги бурилишлардан кейин юзага келган инқирознинг оқибатларини бартаараф этиш ишлари бир оқимда тўхтаб қолди. Bloomberg хабарига кўра, бунинг сабабчилари Испания ва Италия мамлакатлари бўлиб, ушбу давлатларда ЯИМ кўрсаткичи қисқариб кетган. IHS Markit индекси маълумотларига кўра, август ойида ишлаб чиқариш ҳажми фақатгина қайта ишлаш саноатидагина ўсган. Айни пайтда хизмат кўрсатишдек йирик соҳадаги ўсиш даражаси кутилганидек бўлмаган.



“ЕВРОҲУДУДНИНГ ТИКЛАНИШИГА БЎЛГАН УМИД ҲОЗИРЧА СЎНГАН”

Иқтисодчи Крис Уильямсоннинг таъкидлашича, евроҳудуднинг тикланишига бўлган умид ҳозирча сўнган. “Эҳтимол, баҳорда бошланган инқироздан кейин қайта тикланиш ишлари кузда ҳам амалга оширилар”. Шунингдек, у ЕИ мамлакатлари ҳукуматлари барибир ҳам ўз диққатларини қайта тиклаш сиёсатига қаратишлари лозимлигини кўшимча қилди.

2020 йил иккинчи чорақда Европа Иттифоқи иқтисодиёти йиллик ҳисобда 14,4 фоиз

қисқарди. Бу эса 1995 йилдан буён кузатилган энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Ёз фасли ўрталарида ЕИ мамлакатлари етакчилари вазиятни ўнглаш бўйича режага имзо чеккан эди. Ушбу режани амалга оширишга 750 миллиард евро сарфланиши белгиланган. Унинг катта қисми – 500 миллиард – ЕИнинг пандемиядан энг кўп жабрланган мамлакатларига қайтариб берилмайдиган грант маблағлари сифатида йўналтирилади.

BLOOMBERG: ҚУВАЙТДА АРЗОН НЕФТЬ САБАБЛИ ПУЛ ҚОЛМАЯПТИ

Қувайт банкрот бўлиш арафасида турибди. Бунинг сабаби нефтьнинг нархи пасайиб кетди. Форс кўрфазидagi энг бадавлат давлатдаги ғазнанинг 90 фоизи ушбу углеводороднинг сотувида келиб тушган фойда ҳисобига шакллантирилари. Мамлакатда давлат ишчиларига тўлов қилиб бериш билан боғлиқ муаммо ноябрь ойидаёқ юзага келиши тахмин қилинмоқда. Захира фонди 6,54 миллиард доллар билан тўлдирилган. Жорий харажатлар эса 5,56 миллиард долларга тенг маблағни талаб этади. Мамлакат молия вазирлиги маълумотига кўра, давлат ташкилотларида ишчиларнинг 80 фоизи қамраб олинган.

1 апрель ҳолатига кўра бюджет тақчиллиги молиявий йил якунланганида 69 фоизга, яъни 18,44 миллиард долларга тенг бўлган. Миллий банк баёнотида кўра, ушбу кўрсаткич ЯИМнинг деярли 10 фоизига

тенг. Бунга қадар бюджет профицити 4,8 фоизга тўғри келган эди. Bloomberg хабарига кўра, Миллий банк бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 40 фоизига, яъни 46 миллиард долларга тенг бўлишига оид башорат қилган.

Журналистлар таъкидлаганидек, мамлакат ҳукумати ва парламенти мазкур вазиятдан чиқишнинг йўллари турлича кўрмоқда. Молия вазирлиги ўзида 550 миллиард долларни сақлаб келаётган келажақ авлодининг Захира фондидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини билдирмоқда. Бу маблағлар хавфсизлик камари сифатида хизмат қилиб, паст фоизли инвестицияларга даромад келтириши лозим. Вазирлик евроли облигацияларни жойлашти-

ришга рухсат берувчи қонунни қабул қилиш тарафдори. Шунингдек, идора ички ва ташқи бозордан 65 миллиард долларгача бўлган маблағни қарз сифатида олиш таклифи билан чиқди. Бироқ парламент бу таклифни рад этди.

Дунё бўйича миллий фаровонлик фондидаги ҳажми бўйича тўртинчи поғонада турган давлат учун қарзни қўлайтириш шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Бу вазирлар маҳкамасининг омадсиз лойиҳасини маъқуллаб бўлмади, – деди парламент вакиллари.

Бироқ Миллий банкдагилар қонунни қабул қилиш заруратида тўхталиб ўтиб, мамлакат захираси жадал суръатларда камайиб, тақчиллик ортиб бораётганини қайд этди.



ГОНКОНГ ШОВҚИНИ БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛИ

Гонконгда жадал индустриаллаштириш ўтган асрнинг 50-йилларига хитойлик иммигрант-бизнесменларнинг фаол ҳужалигида бошланди. Бу жараёнда Британия мустамлака маъмурияти қатнашди. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асоси экспортга меҳнат тизими юқори бўлган товарларни ишлаб чиқариш бўлди. Айниқса тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, соат, ўйинчоқлар, сунъий гуллар, канцелярия товарлари, безак ва косметика, сунъий буюм ва жиҳозлар ишлаб чиқариш тез суръатларда ривожланди. 60-70 йилларга келиб уларнинг қаторига электр техника ва маиший электр аппаратлар ишлаб чиқариш қўшилди.

2011 йилда Гонконгда 243,2 млрд. АҚШ доллари миқдорига ялли ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иқтисодчилар Гонконгни Хитой билан қўшиб ҳисоблашни хоҳлашлари ҳам учраб туради. Бу кўпчилик истагида Гонконг мамлакатини давлат деб эмас, балки "ҳудуд" ва "иқтисодий зона" деб аташ устувор. Инфляция ва ишсизлик даражаси меъёрда, мувофиқ равишда 5,3 ва 3,2 фоизни ташкил этади. Асосий тармоқлари молия, савдо, транспорт ва логистикадан иборат. Бу ерда ҳам Сингапурда бўлганидек товар ва хизматлар экспорти ялли ички маҳсулотидан деярли икки баробар кўпроқ.

2012 йил ҳолатига кўра Гонконг дунёнинг энг ривожланган молия бозори, дунёнинг энг эркин иқтисодиёти, мавқейини олди. Ишчанлик иқлимини яратиш бўйича иккинчи, бизнес фаолияти учун учта қулай мамлакатлардан бири, инвестиция киритиш жозибадорлиги бўйича дунё шаҳарлари учталигига кирди. Шу йили Гонконг валюта бозори Осиёда учинчи, жаҳонда олтинчи ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига олтин-валюта захиралари бўйича ҳудуд дунё мамлакатлари орасида иккинчи ўринда туради. Ҳудуд қитъанинг етакчи сугурта маркази ва халқаро конгресслар ўтказиш маркази ҳисобланади.

Гонконгда ҳамма вақт либерал божхона ва солиқ тартиби амал қилиб келади. 60-70 йилларда ҳудуд "Осиёнинг энг арзон дўкони" шухратини олди. Сингапур сингари бу ерда ҳам ҳамisha маблаглар саёҳат бизнесини ривожлантириш, бандаргоҳ ва омбор ҳужалигига аэропорт қурилиши ва шаҳар инфра тузилмасига йўналтирилди. Чакана савдо дўконлари ва ресторанилар кенг қулоч ёйди. Кино ишлаб чиқариши, китоб босиши ривожланди.

Шунингдек, 80-йилларда Гонконгда ривожланиш моделида бошқа бир йўналиш, Сингапурдан фарқли ўлароқ деиндустриаллаштириш (саноатлашишдан қайтиш) жараёни бошланди. 90 йилларга келиб бу жараён янада тезлашиб кетди. Бу янги индустриал давлатларга хос бўлмаган парадокс бўлса-да, лекин фактдир. Меҳнат сигими юқори бўлган ишлаб чиқариш оммавий миқёсда Хитойнинг яқин районла-

рига, кейин Вьетнам, Тайланд ва Индонезия мамлакатларига кўчирилди бошлади.

Бунда асосий эътибор шаҳарда қолдирилган бош офис ва унинг турли бўлимлари ишига маҳсулотлар дизайни ва ишланмалари, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, хомашё ва саноат асбоб-ускуналарини харид қилиш, логистика ва маркетинг ишларига, сифатни назорат қилиш, илмий-техника тадқиқотларига қаратилди. Бундай ўзгаришлардан кейин бу компаниялар чет элда ишлаб чиқариш корхоналари бўлишига қарамасдан носаноат тармоқларига киритилди. Шу вақтнинг ўзида ҳудудда воситачилик ва молия операциялари сезиларли фаоллашди бошлади.



Бу фаолият асосан, Хитойнинг узлуксиз ўсаётган ташқи савдосига, хизмат кўрсатишига ихтисослашди. Хитой ҳам ҳудудда хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга инвесторлик қилди. Зич иқтисодий алоқалар замирида 1997 йилда Гонконг Хитой суверенитети остига қайтди. Аср бошига келиб, ҳудуд ялли ички маҳсулотига ишлов бериш саноатининг ҳиссаси 8 фоиз атрофига тушиб қолди. Алоҳида маъмурий район ҳудудида фақат соат ва заргарлик саноати қолди, холос. Гонконгнинг бутун экспорти режаспорт операцияларидан иборат бўлиб қолди. ЯИМда хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳиссаси 90



фоиздан ошиб, амалда бир секторли иқтисодиёт таркиб топди.

Гонконгда Сингапур каби ўз нефти, табиий гази ва рудаси йўқ. Бу икки Осиё мамлакатига ҳатто қурилиш учун қум ва ичимлик суви ҳам йўқ, уларни ташқаридан импорт қилишга мажбур. Ресурс ва қазилма бойликлар камлигига қарамасдан улар XX аср охирида "иқтисодий мўъжиза"га эришдилар, аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси бўйича дунёнинг кучли бешлигига кирдилар. Бунинг сирини нимада? Бу сирни Гонконг иқтисодий тарақиёт моделларидан ахтариш тўғри бўлади. Бу моделнинг бош ва ягона қуроли бизнес – иқлим, бизнес юритиш учун шарт-шароит яратишдан иборат бўлди. Қисқа вақт ичида мамлакат технология ва капитал барча тўсиқларни йўқ қилиб ташлади. Гонконг маъмурияти

ка қарзидан азият чеқди, қурилиш лойиҳалари музлатилди, 2010 йилда Гонконг кўчмас мулк секторига инвесторлар 15,2 млрд. АҚШ доллари киритишди. Қандай қилиб дунёнинг четидаги бу шаҳар – давлат чет эл капиталини жалб қилишга эришди? Биринчи навбатда, солиқ тизимини ҳаддан ташқари содалаштирди, фискал ставкаларни камайтирди. Аниқроғи, халқаро бизнесни қўшимча қиймат солиғи, божхона йиғими, дивидентларга солиқ ва ижтимоий бадалларнинг йўқлиги ва унча катта бўлмаган фойда солиғи орқали ўзига оханабодай тортиди. Юмшоқ фискал тартиб ҳудудга тезда йирик пул ва маҳсулот оқимини олиб келди. Етти ярим миллион аҳоли яшайдиган Гонконг Хитой бозорига киришининг ўзига хос дарвозасига айланди. Гонконгда бизнесни рўйхатга ниҳоятда осонлигидан фойдаланиб кўпчилик компаниялар шу ердан бошлаб, "Осмон ости"ни, яъни Хитойни қўлга киритишни афзал кўради. Гонконг Хитой иқтисодиётининг чет эл инвестицияси асосий манбаига айланди. Хитойликлар бугунги иқтисодий мўъжизаси учун гонконглик биродарларидан миннатдор бўлишлари керак. 1997 йилда бутун Гонконг ҳудуди устидан суверенитет Британиядан Хитойга ўтди. У камида 2047 йилгача Хитой таркибиде махсус маъмурий ҳудуд мақомида қолади. Расмий Пекин янги автономиянинг мудоффа ва ташқи сиёсати масалаларини ўз зиммасига олади, ҳудуд эса қонунчилик, полиция, фискал тартибот ва иммиграция сиёсати устидан назоратни ўзида қолдиради.

Қизиқ ҳолат: шаҳарни ўзининг капитали ҳам, ҳаракатдаги активи ҳам йўқ, лекин фойдалироқ шароит таклиф қилиб, ўз майдонига эмитент ва инвесторларни жалб қилади. Фискал либерализм натижасида дунёдаги 100 йирик банкнинг 70таси шу ҳудудга ўз штаб-квартираларини жойлаштирган. Бизнесни нолдан рўйхатга олиш учун Сингапурда 4 кун, Гонконгда 8 кун, Японияда 23 кун, Германияда 15 кун вақт кетар экан.

Хулоса қилиб айтганда, илгариги ёпиқ ҳудуд энди жаҳонда энг эркин иқтисодий зонага айланиб, ўзининг очиклигидан максимум капитал ўзлаштирмоқда.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

Иқтисодий таълим – бутун дунё бўйича энг талабгир соҳалардан саналади. Куйидаги шарҳимизда жаҳоннинг қайси университетдаги иқтисодий факультетлар ҳар йили жаҳон рейтингининг юқори ўринларини эгаллаб келаётгани ҳақида сўз юритамиз.



1. Harvard University – Гарвард Университети

АҚШнинг энг эски университетларидан биридир. Унда Американинг 7 нафар президенти таҳсил олган. Гарварддаги иқтисодиёт факультети 1897 йилда ташкил топган. Факультет талабалари иқтисодий назария, ахлоқий ва тажрибавий иқтисодиёт, эконометрика, молия, экологик иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, халқаро савдо муносабатлари, монатар ва фискал иқтисодиёт ва ҳоказо мавзуларни изчиллик билан ўрганади. Факультет қошида "Quarterly Journal of Economics" илмий нашри чоп этилади. Бундан ташқари, юз йил аввалроқ Гарвард Университети Гарвард бизнес мактабига асос солган. Бу мактаб ҳам дунёнинг энг етакчи бизнес мактаблари қаторидан ўрин олган.

2. University of Chicago – Чикаго Университети

Чикагонинг Гайд Парк худудига жойлашган университетдир. Доимо иқтисодиётга янгича ёндашуви билан ажралаб туради. Айнан шу жойда "Чикаго мактаби" номи билан танилган иқтисодий йўналишга асос солиган. Унга кўра, бозор таҳлили макроиқтисодий услуб орқали юритилади. Чикаго Университетидаги иқтисодиёт факультети тадқиқотлари амалий макроиқтисодиёт, эконометрика, иқтисодий назария ва макроиқтисодиёт масалаларига бағишланган.

3. Massachusetts Institute of Technology – Массачусетс Технология Институту

Ушбу университетнинг аксарият ўқитувчилари Миллий фан академияси, Америка иқтисодий уюшмаси, Эконометрик ҳамжамият, Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюросининг аъзолари. Университетнинг профессори Оливье Бланшар Халқаро валюта фондининг бош иқтисодчиси ҳисобланади. Талабалар ҳам университетнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларидан иштирок этади. Иқтисодиёт факультети 69 та иқтисодий машғулотларни тақдим этади. Уларнинг айримларини онлайн шаклда ўрганса ҳам бўлади. Университет дунёнинг энг юксак даражадаги иқтисодий мукофот "Жон Бейц" унвонини кўлга киритган. Сўнгги йилларда бу борада тақдим этилган 10 та унвоннинг 7 таси айнан ушбу университет битирувчиларига насиб қилган.

4. University of California-Berkeley – Калифорния университети – Берклей

Иқтисодиёт факультети 1903 йилда ташкил этилган. Иқтисодий назария, эконометрика, макроиқтисодиёт ва амалий тадқиқотлар соҳасидаги ютуқлари учун битирувчилар 5 мартаба Нобель мукофоти ва 5 мартаба Жон Бейц номли медални кўлга киритган. Иқтисодиёт факультетида эконометрика, таваккалчилик менежменти, меҳнат иқтисодиёти, ахлоқий иқтисодиёт, халқаро бизнес ва ҳоказо мавзуларда изланиш олиб борадиган 12 та тадқиқот марказлари ишлайди.

5. Princeton University – Принцтон Университети

Университетнинг иқтисодиёт факультетида молия, эконометрика, сийсий иқтисодиёт, халқаро иқтисодиёт ва бошқа мавзуларда иш юритувчи 12 та тадқиқот маркази фаолият юритади. Факультетнинг энг таниқли битирувчиларидан бири – Жон Нэш иқтисодий ўйинлар назариясига кўшган ҳиссаси учун Нобель мукофотини кўлга киритган. Маълумотларга кўра, иқтисодиёт факультети битирувчилари банк иши, инвестициялаш ва консалтинг соҳалари учун энг талабгир мутахассислардир. Битирувчиларнинг тўртдан уч қисми ўқини тамомлаши билан иш топишга эришади. Қолганлари эса илмий фаолият билан шуғулланишни маъқул деб билади.

6. Columbia University – Колумбия Университети

Мазкур университет Нью Йоркнинг Манхеттен туманида жойлашган. Американинг 15 та етакчи таълим муассасаси рўйхатидан ўрин олган. АҚШнинг 4 та президенти шу университетда таҳсил олган. Университетнинг иқтисодиёт факультетида таниқли иқтисодчи – Нобель мукофоти лауреати Жозеф Стиглиц дарс беради. Университет таркибига дунёнинг энг илгор бизнес мактаби ҳисобланмиш Колумбия Бизнес мактаби ҳам қиради.

7. Stanford University – Стэнфорд Университети

Жаҳоннинг энг эски иқтисодий факультетларидан бири 1891 йилда ташкил этилган. Иқтисодий факультет университет ташкил топганидан атиги бир йил кейин фаолият юрита бошлаган. Факультетда ахлоқий иқтисодиёт, тараққиёт иқтисодиёти, эконометрика, ўйинлар назарияси, молиявий иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва ҳоказо мавзуларга бағишланган 16 та тадқиқот маркази ишлаб турибди.

САЛОМАТЛИК

Кузги баланд бўлмаган оёқ кийим соғлиқ учун хавфли бўлиши мумкин, деди травматолог-ортопед, остеопат тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Константин Терновой Sputnik радиосига берган интервьюсида.

ЭНГ ХАВФЛИ КУЗГИ ОЁҚ КИЙИМ

У сўнгги йилларда совуқ кунларда ҳам одамлар тўпиқни тўлиқ ёпмайдиган оёқ кийим ва калта иштон кийишга одатланишганини танқид қилди. Мутахассис бундай кийиниш услуби одамларда пай ҳамда бўғимларнинг кучли шамоллашини келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидлади.

"Оёқ кийим қуруқ, фаслга мос, нам ўтмайдиган ва калта бўлмаслиги лозим. Ҳеч бир матоли спорт оёқ кийимлар оёқни ҳимоя қила олмайди", – деди Терновой.

Шунингдек, у кундузги ҳарорат 14 даражада иссиқ бўлган пайтдаёқ кузга оёқ кийим кийишни тавсия қилди. Июнь ойида Пирогов маркази травматолог ортопеди Михаил Вихтар одамлар орасида "сланцы" номи билан аталувчи ёзги оёқ кийимни энг хавфли кийим деб айтганди. Шифокор товонни ички томондан қўллаб турадиган воситалар билан таъминланган оёқ кийим кийишни тавсия этди. Шунингдек, у тағармнинг жуда ҳам каттик бўлмаслиги лозимлигига эътибор қаратди.

Олимлар Google ёрдамида аввалдан қарда коронавирус тўлқини юзага келиши мумкинлигини башорат қилиш мумкинлигини қайд этмоқда. Бу ҳақида Massachusetts General Hospital (Масачусетс Бош Шифохонаси) вебсаҳифасида маълум қилинган.



GOOGLE ЁРДАМИДА КОРОНАВИРУС ТЎЛҚИНИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ МУМКИНИ?

Яъни олимлар қидирув тизимидан "таъм билиш хусусиятининг йўқолиши", "иштаха йўқолиши" ва "ич кетиши" каби сўз бирикмалар қўлланган сўровлар кўпайган Нью Йорк, Нью Жерси, Калифорния, Массачусетс ва Иллинойс сингари штатларда бироздан сўнг коронавирус тўлқини юзага келгани аниқланган. Энг қизиғи, айнан шу мавзудаги сўровлар кўпайганидан кейин уч-тўрт ҳафтадан кейин мазкур ҳудудларда коронавирус билан касалланганлар сони ошиб кетган.

"Биздаги маълумотларга қараганда ошқозон-ичакдаги бузилишдек белги яқин келажақда COVID-19 билан зарарланиш эҳтимолини оширади. Google Trends дастури пандемияни башорат қилишнинг энг самарали воситасига айланиши мумкин", – дейилади маълумотномада.

Аввалроқ маълум қилинганидек, Apple ва Google биргалиқда коронавирус билан зарарланганларни кузатадиган технологияни ишлаб чиққан эди. Компаниялар тиббиёт ходимларига кўмак бериш мақсадида ҳамкорликда ишлаганди. Айтишларича, улар биргалиқда Bluetooth симсиз алоқа воситаси ёрдамида беморлар ким билан алоқа қилганини кузатиш имконини берувчи технологияни кашф қилишган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета таҳририятнинг техник
усуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Кўлэзмалар тақрир қилинмади ва қайтарилмади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади. Буюртма № г 0317 А-1384 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 08.09.2020 й., 1 2 3 4 5 6